

Халқ сўзи

Ўзбекистон -
кељагаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 25 ноябрь, № 229 (4639)

Сешанба

Ёшлар камоли - ватан иқболи

Президентимиз ташаббуси билан ёш авлоднинг маънавий баркамол бўлиб улғайишлариغا алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, мустақам билим барча муваффақиятларнинг калитидир. Илму ҳунар ўраниб, жамиятга наф келтириш, эл-юртга хизмат қилиш эса ватанпарварлик саналади. Шу маънода озодликка эришган илк кунларимизданоқ мамлакатимизда фан, таълим-тарбияга қаратилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Миллий дастур ниҳоллари

"Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга жорий этилди. Бундай изчил ислохотлар туфайли эндиликда юртимизда бир-биридан кўркам ўқув масканлари қад ростлаб, фойдаланишга топширилди, топширилмоқда. Ўғил-қизларимиз эса халқаро спорт мусобақалари, фан олимпиадалари ҳамда турли кўрик-танловларда муваффақиятга эришмоқдалар. Буларнинг барчаси келажакимизнинг мустақам пойдевори бўлиб хизмат қилади, албатта.

Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат йўналишига ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳам мустақиллик йилларида ташкил этилган ўқув масканларидан саналади. Мазкур даргоҳда ўқитиш, дарсликлардан фойдаланиш, иктидорларнинг кашф этиш борасида ўзига хос тажриба шаклланди. Бу ерга ташриф буюриб, ўқувчилар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг одоби эканлиги, билими чуқур, озорлари эзгу эканлигига амин бўласиз. Шунинг учун бўлса керак, мазкур мактаб-интернат ўқувчилари орасидан турли танловларда катта муваффақиятларни кўлга киритаётган ёшлар кўллаб топилди. Масалан, ўтган ўқув йилида 5 нафар ўқувчи



"Шанкар" халқаро болалар ташкилоти томонидан ўтказилган синновда яхши иштирок этганлиги боис кумуш медал соҳиб бўлишди ҳамда республикаимиздаги турли олий ўқув юртиларда тест синовларисиз қабул қилиндилар. Айни пайтда тасвирий санъат, суҳандонлик, тарих-ҳуқуқ, иқтисодиёт, инглиз тили, она тили ва адабиёт каби олти йўналиш бўйича сабоқ олаётган 1184 нафар ўқувчига профессор-ўқитув-

чилар, малакали мураббийлар дарс беришади. — Юртбошимизнинг таълим соҳасига қаратаётган юксак эътиборлари замирида ўсиб келаётган авлодни бахтли кўришдек эзгу истак мужассам, — дейди мазкур ўқув масканининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Жавлон Усаров. — Ўғил-қизларимизнинг бундай улуг мақсадга эришишлари учун эса мамлакатимизда барча имконият

ва имтиёзлар яратилган. Қўлай шарт-шароит, мухташам ўқув масканлари, энг сўнгги рўсумдаги компьютерлар, мукамал жиҳозланган лаборатория хоналари ёшларимиз ихтиёрига бериб қўйилган. Таълим сифатини яхшилаш борасидаги изчил ислохотлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бизнинг мактаб-интернатимизда ҳам ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмулли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу

мақсадда 35 та тўғарақ фаолияти йўлга қўйилган. Бундан ташқари, таълим даргоҳи қошидаги "Қизлар клуби", "Камолот", "Камалак" ташкилотлари бир-биридан қизиқарили тadbирларни ўтказишда бош-қош бўлмоқда. Буларнинг барчаси ёш авлоднинг маънавий етуқ, жисмонан соғлом бўлиб камол топишларида асосий шубҳасиз.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикасини 2008 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 февралда ва 18 июлда бўлиб ўтган мажлисларида белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг муҳим устувор йўналишларини, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, техника ва технология янгилашга доир мақсадли комплекс дастурларини бажариш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 2008 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларининг барқарор ўсиши таъминланди.

I. Макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиётнинг изчил ва мувозанатли ўсиш суръатларини таъминлаш

Жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг ўсиши 9,4 фоизни, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари эса 12,4 фоизни ташкил этди. Шу жумладан, истеъмол товарлари - 18,4 фоиз; қурилиш ишлари - 8,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари - 4,1 фоиз, чакана савдо айланмаси - 15 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш - 19,3 фоиз ортди.

Давлат бюджети 1,9 фоиз профицит билан бажарилди. Аҳоли жон бошига реал пул даромадлари 22,4 фоиз кўпайди. Иқтисодий тараққиётнинг асосий омиллари сифатида қуйидаги соҳаларнинг изчил ривожланишини қайд этиш мумкин:

ташқи савдо, энг аввало, экспорт фаолияти. Ташқи савдо айланмаси 40,9 фоиз, шу жумладан, экспорт - 62,9 фоиз ортди. Тулов балансининг ихобий сальдоси қарийб 4,5 млрд. долларни ташкил этди;

инвестиция сиёсати иқтисодиётнинг реал секторидagi таркибий ўзгаришларнинг изчилигини ва ўзлаштирилган инвестицияларнинг 22,4 фоиз ортишини таъминлади;

кичик бизнес ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, соҳанинг ривожланишига бизнесга солиқ юқини ва маъмурий таъсири камайтириш ҳисобидан эришилди. Натижада микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови бўйича тушулурлар ўтган йилдаги нисбатан 38,8 фоиз, фойда солиғи бўйича - 41,7 фоиз ортди.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2007 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2008 йилнинг 9 ойи
Ялпи ички маҳсулот	109,4
Саноат маҳсулотлари ҳажми	112,4
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	118,4
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	104,1
Асосий капиталдаги инвестициялар	122,4
Қурилиш ишлари	108,4
Чакана савдо айланмаси	115,0
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	119,3

II. Таркибий ўзгаришларни дaвoм эттириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш

Жорий йилнинг 9 ойи давомида **Инвестиция дастурининг** бажарилиши таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизациялаш ва технология янгилашда муҳим омил бўлди. Ҳисобот даврида барча молия манбалари бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 5809,8 миллиард сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан солиштирма нарҳларда 22,4 фоиз ўсди.

Дастурнинг ҳисобот давридаги ихроси барча йўналишларда - бюджет маблағлари бўйича ҳам, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари бўйича ҳам таъминланди.

969,6 млн. доллар ҳажмида чет эл инвестициялари ўзлаштирилди, жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар - 721,66 млн. долларни ташкил этди. Уларнинг ўсиши тегишли равишда 37,4 ва 33,5 фоизни ташкил этди. Хорижий инвестициялар умумий ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар маъдори 74,4 фоизни ташкил этди. Жалб этилган чет эл инвестицияларининг умумий ҳажмидан 31,6 фоиз - янги қурилишларга, 39,8 фоиз - модернизация ва реконструкция ишларига ва 28,6 фоиз - бошқа йўналишларга жалб этилди.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 125,9 млн. доллар ҳажмида кредитлар ажратилди, бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 4,3 баравар кўпдир.

2007 йилнинг шу давридаги нисбатан корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларига ажратилган маблағлар 16,6 фоиз, банк кредитлари - 81,8 фоиз, аҳоли маблағлари - 15,6 фоиз кўпайди. Капитал қўйилмаларининг умумий ҳажмидан ишлаб чиқариш қурилишига инвестицияларнинг 71,1 фоизи (2007 йилнинг 9 ойида 67 фоиз), шу жумладан, модернизация ишларига 36,6 фоиз йўналтирилди. Ишлаб чиқариш иншоотлари қурилишининг ўсиши саноатнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш дастурларининг ихроси, корхоналарга солиқ юқининг камайтирилиши, иқтисодиётнинг реал секторига қўлай сармоявий муҳит яратиш билан бево-сита боғлиқ.

(Давоми 2-бетда).

ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРУВ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнаомлигида миллий армиямизни ислох қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар қандай вазиятда Ватанини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Қўдратимиз шакллантирилди. Айни чоғда мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг профессионал тайёргарлигини янада оширишга, маънавий-ахлоқий ва интеллектуал салоҳияти юқори, жисмонан етуқ ҳарбийларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қўдратларида мuddатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мuddатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий ҳамда сафарбарлик жи-

ҳатдан тайёрлигини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжатдир.

Фармон ва ижро

— Ушбу фармонга мувофиқ 2009 йилдан бошлаб йигитларни мuddатли ҳарбий хизматга чақириш йилига бир марта — февраль-март ойларида амалга оширилади, —

дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг чақирув ва резервчиларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи, полковник Ботир Мирзамухамедов. — Мuddатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган фуқаролар март-апрель ойларида уйига қайтади.

(Давоми 2-бетда).

8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд соҳаларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланган.

Бундан ўн олти йил муқаддам Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Конституциямизда белгиланган меъёрларнинг ҳаётимизда ўз ифодасини топаётгани мамлакатимиз тараққиётида муҳим омил бўлаётди. Фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий замини ҳам, аввало, Конституциядир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, эришган ютуқларимизнинг, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизида Конституциямизда белгилаб берилган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётга таъбиқ этаётганимиз муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, бунда ҳусусий тadbиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, пировардида аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган кенг

қўламадги чора-тадбирларнинг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилаётди.

Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дaхлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади", деб белгиланган.

Дарҳақиқат, инсон - ҳаёт гултожи. Уни эъзозлаш, манфаатларини ҳимоялаш чинакам демократик, адолатли давлатга хос хусусиятдир. Аслида бу ўз ақиқатларига меҳр, ён-атрофидагиларга иззат-иқром кўрсатиш ҳаёт тарзига айланаб кетган халқимизга хос фазилатлардан. Янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олинган ва "Ўзбек модели" сифатида дунё жамоатчилигининг эътиборини тортган беш тамойилнинг

(Давоми 3-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси олтидан

"Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтадиган ўн олтинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши мўлжалланган долзарб масалалардан бири. Ушбу Қонун шу йил 23 сентябрда Олий Мажлис Қўйи палатаси томонидан қабул қилинган ҳамда кўриб чиқилиши учун 2008 йил 3 октябрда парламент юқори палатасига тақдим этилган. Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Ботир АБДУРАЙИМОВнинг изоҳ беришича, бу Қонуннинг асосий мақсади қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

ОСОЙИШТА ҲАЁТ МУҲОФАЗАСИ

— "Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бешта бoб ҳамда ўттиз битта моддадан иборат, — дейди Ботир Туревич. — Қонуннинг "Умумий қоидалар" деб номланган 1-боби олтига моддадан ташкил топган. Жумладан, 3-модда "факулдада вазият", "қутқарувчи", "қутқарув тузилмаси", "қутқарув хизмати", "қутқарув ишлари" каби асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб беради. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчилар фаолиятининг асосий принциплари Қонуннинг 4-моддасида берилган. Бундай принципларга, ҳусусан, факулдада вазиятлар рўй берган тақ-

дирда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлигини сақлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларининг устуворлиги, факулдада вазиятларда тежор ҳаракат қилишга ҳамда уларни бартараф этиш ишларини олиб боришга қутқарув хизматларининг, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларнинг доимий шайлиги, шунингдек, мазкур хизмат ва тузилмалар ҳамда қутқарувчиларга яқинбошлиқ асосида раҳбарлик қилиш принциплари киради. 5-моддага мувофиқ қутқарув хизматлари ҳамда қутқарув тузилмаларининг асосий вазифалари одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлигини сақлаш юзасидан кечкириб бўлмайдиган ишлар-

ни амалга оширишга йўналтирилган. Шунингдек, факулдада вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, шундай вазиятлар шароитида юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ишларини олиб бориш ва бошқа вазифалар ҳам ушбу моддада акс этган. Қутқарув ишларининг турлари 6-моддада белгилаб берилган бўлиб, бундай ишларга авария-қутқарув, кидирув-қутқарув, тоғ-кон қутқарув, сув-қутқарув, газ-қутқарув ишлари, шунингдек, ёнғинларни ўчириш ҳамда бошқа табиий ва техноген хусусиятли факулдада вазиятлар оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ ишлар кирди.

(Давоми 2-бетда).

ЯПОНИЯ ЎЗБЕКISTONDA ИЖТИМОИЙ ЛОЙИХАЛАРНИ ФАОЛ АМАЛГА ОШИРМОҚДА

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик маданий-гуманитар соҳада ҳам жадал ривожланмоқда. Яқин томонлама ҳамкорлик доирасида мамлакатимизда тиббий хизмат ва таълим соҳасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда жорий йилнинг бошида умумий қиймати 1.101.788 АҚШ долларига тенг бўлган 17 та лойиҳа имзоланган эди. Ушбу маблағ республикамиз тиббиёт муассасалари, урта мактаблари ва ўқув марказларини замонавий асбоб-ускуналар, техника восита-

лар билан жиҳозлашга йўналтирилган. Юқорида таъкидланган лойиҳалар, жумладан, Фарғона vodiysида ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 17-19 ноябрь кунлари Япониянинг Ўзбекистондаги Факулдада

ва Мухтор алоҳиси Цумому Хираока Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида иқтисодий лойиҳаларнинг бошланишига бағишланган маросимларда иштирок этди. Мазкур вилоятларда маърузалар қилган Япония элчиси 1995 йилдан

бошлаб Қунқар юрт ҳукумати Ўзбекистон аҳолисининг фаровонлигини оширишга йўналтирилган кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳаларга бeғарас ёрдам кўрсатиш дастурини амалга ошириб келаётганини таъкидлади. «Дастур доирасида таълим, соғлиқни сақлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий мавқени оширишга катта эътибор қаратилмоқда», деди дипломат.

13 йил мобайнида умумий қиймати 13,6 миллион долларни ташкил этувчи 243 та лойиҳа амалга оширилиб, уларнинг 47 таси Фарғона вилоятида жойлашган ўрта мактаблар, касалхоналар ва бошқа иқтисодий муассасалар ҳисобига турни келди. «Президент Ислам Каримов томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда эълон бeғарас ёрдам кўрсатиш доирасида ўрта мактаблар

(Давоми 3-бетда).

ЖАҲОН

24 соат ичида

Даромади камайгани учун

Буёк Британиянинг «Daily Mail and General Trust» (DGMT) медиа-холдинги компанияси даромадлари камайиб кетганлиги боис 400 нафар ходимини ишдан бўшатишга қарор қилди.

Шунингдек, компания ишлаб чиқариш харажатларини 100 миллион фунт стерлинга камайтириш масаласини ҳам кўриб чиқмоқчи. «DGMT» вакилининг айтишича, жорий йилда даромад миқдори 9 фоизга тушиб кетди. Бунга рекламанд топилмаган маблағнинг сезиларли даражада пайдаланиши ва газета қўғоқлари нархининг тобора ошиб бораётгани сабаб қилиб кўрсатишмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, «Daily Mail and General Trust» медиа-холдинги компанияси таркибига «Radio Australia» радиостанцияси, «Daily Mail», «Evening Standard», «Metro», «Loot», «London Lite» газеталари ва бир қатор нашриётлар кирди.

Газ қувирида портлаш

Озарбайжондаги йирик газ ўтказгичлардан бири — «Боку-Газ» қувирида портлаш содир бўлди, дейилади «Интерфакс» хабарига.

Бахтисз ҳолида туфайли мамлакатнинг Гянка шаҳри газ таъминотидаги узилб қолган. Манбада келтирилишича, портлаш газ қувиридаги носозлик туфайли юз берган. Айни пайтда қувирида соғлаш ишлари олиб боришмоқда.

Фалокат оқибатида жабрланганлар йўқ.

Қадимий макон

Грецияда неолит (янги тош асри) даврига тегишли одамлар яшаган жой қолдиқлари топилган.

Мамлакат маданият вазирлигининг маълум қилишича, ноёб топилмага пойтахт Афинадан 280 километр шимолда газ қувири ўтказилаётган вақтда дуч келинган. Экспертларнинг сўзларига кўра, ушбу мерос 6,5 минг йиллик тарихга эга. Бу ерда бир вақтнинг ўзига 300 га яқин одам истиқомат қилиши учун шарт яратилгани кўриниб турибди.

Археологлар маъмур топилма ўтмишининг очилмаган қирраларини ўрганишга катта туртки беришини таъкидлашган.

Чехияда ер қимирлади

Чехия шимоли-шарқда ер силкиниши кузатилади. Бу ҳақда «РИА Новости» ахборот агентлиги маълум қилди.

Жойлашган шахталардан бири талафот кўрган. Оқибатда 710 метр чуқурликда ишлаётган қончилардан икки нафари ҳаётдан кўз юмди. Уч киши эса оғир тан жароҳати олди. Зилзила содир бўлган вақтда қонда 21 нафар киши ишлаётган.

Ер силкиниши натижасида, шунингдек, аҳоли туярақой бинолари ҳам шикастланган.

Гиёҳвандликка қарши восита

Испаниялик тадқиқотчилар кокаин гиёҳванд моддасига қарши яратилган препаратни синовдан ўтказмоқда.

Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлигининг гиёҳвандликка қарши курашиш миллий лойиҳаси бошчилиги, эпидемиолог Кармен Мойя Гарсиянинг айтишича, айни пайтда ушбу восита 164 кишида синов қўрилган ва ижобий натижага эришилган. Жўмладан, препарат инсон организмиде кокаин моддасига нисбатан иммунитет ҳосил қилиш, унга бўлган мойилликни камайтириш ва шу каби бир қанча хусусиятларга эга эканлиги аниқланган.

Айтиб ўтиш керак, испанияликлар кокаин моддаси истеъмол қилиш борасида Европа қитъасида биринчи ўринда турар экан. Биргина 2007 йилда 22 минг нафар фуқаро ушбу модда билан боғлиқ хасталикларни юзасидан шифокорга мурожаат қилган.

Тартибсизлик оқибати

Гватемаладаги қамқоналардан бирида тартибсизлик келиб чиқди.

«Reuters» ахборот агентлиги хабарига кўра, воқеа мамлакат пойтахтидан 43 километр узоқликдаги Фрайханес муниципалитетига жойлашган Павонсито қамқонасида содир бўлган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг сўзларига қараганда, маҳбуслар ўртасида юзага келган келишмовчилик оммавий жанжалга айланиб кетган. Тўқнашув оқибатида етти киши ҳалок бўлган.

Айтиб ўтиш жоизки, Павонсито қамқонасида 900 нафар маҳбус сақланади. Уларнинг аксарияти гиёҳванд моддалар савдоси, қотиллик ва боқинчилик каби жиноятларни содир этгани учун жазога тортилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

неғизда инсон манфаати муҳассам ва у амалда ўзини тўла оқлади. Улардан бири — қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, таъминоти мамлакатимизда фуқаролар манфаатига хизмат қилиб, инсон ҳуқуқларини юксак даражада ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотларининг тамал тоши бўлди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислохот этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилинди. Судлар ихтисослаштирилди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди.

Шу ўринда Конституциянинг 106-моддасини ёлга олмақ даркор: «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқаруви ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади». Суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий асоси бўлган ушбу мевъёр туфайли судлар маълум қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини изчил таъминламоқда.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг муҳим кафолати бўлган — адвокатлар институтининг тўқибан ислоқ қилиниши, соҳа ходимларининг маъсулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилангани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказининг ташкил этилиши суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотларнинг амалдаги яна бир самараси бўлди. Ушбу йўналишларда белгиланган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши соҳадagi ишлар самардорлигини янада ошириши, шубҳасиз.

Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, пировардида аҳоли турмуш даражасини ошатиришга қаратилган кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асоси ҳам Конституциядир. Бош қонунимизнинг 53-моддасида кайд этилгандек, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг неғизини халқаролик шаклларидаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устуворлигини ҳимоя қилиш, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби ҳуқуқий ва давлат ҳимоясидадир.

Мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлиги шартлида хусусий мулкнинг устуворлиги конституциявий асосда мустақамлаб қўйилгани уларнинг эркинлигини ва ҳуқуқий ҳимоясининг кафолати бўлган қўллаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниши учун асос бўлди. Ўз навбатида хусусий тар-

моқ вакиллари ўз салоҳият ва имкониятларини ишга солиб, юрт равнақи, иқтисодиётимиз барқарорлигида муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоизга яқини иқтисодиётнинг нодавлат секторига яратилаётгани, юртимиздаги корхоналарнинг аксарияти хусусий ва корпоратив мулк шаклига ўтганлиги, уларда иш билан банд аҳолининг қарийб 80 фоизи меҳнат қилаётганлиги, ялпи ички маҳсулотда кичик ва хусусий бизнеснинг улуши 45 фоиздан ортгани фикримизнинг исботидир.

Ҳўжалик муносабатларида қонунчиликни таъминлаш, турли мулк шаклларидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар, айниқса,

зими янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонда белгилангандек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг қўлланилиши фақат суд томонидан амалга оширилимоқда. Бу билан турли назорат идоралари томонидан тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашувнинг олди олинмоқда.

Жорий йилнинг ўн ойи давомида ҳўжалик судларига назорат қилувчи органлардан тадбиркорлик субъектларига нисбатан таъсир чораларини қўллаш ҳақида 7936, шу жўмладан, уларни молиявий жаримга тортиш тўғрисида 3731 арива тушди. Шўндан 1116 арива асоссизлиги,

чиллик талабларини бузишга йўл қўйган 192 фермер ҳўжалиги билан тузилган ер ижара шартномаси суд қарорлари асосида бекор қилинди.

Ўртимизда сармоядорлар учун қўлай ва ҳар томонлама имтиёзли инвестициявий муҳит яратилган. Бўндай муҳит барқарорлигининг асосий омилли эса Конституция ва унинг асосида яратилган ҳўкуқий базасидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойида республикани иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йўлидаги барқарорланган мажлисида кайд этилгандек, қўлай инвестиция муҳити ва Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиқозлаш дастурури фаол амалга оширилиши ўзлаштирилган инвестицияларнинг 22,4 фоиз, шу жўмладан, мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 33,5 фоизга ўсишини таъминлаган.

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз Конституцияси ва унинг асосида яратилган миллий қонунчилик тизими шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт кеңириши учун зарур барча омилларга йўл очиб берувчи мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Бевосита шу мезонга таяниб иш қўраётган суд ҳокимияти вакиллари эса уларни амалда тўғри ва аниқ қўллаш билан бирга, уларнинг моҳиятини фуқаролар, тадбиркорлар, ҳўжалик юритувчи субъектлар вакилларига етказиш, яъни жамиятда ҳўкуқий маданиятни юксалтиришга ҳам доимий эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳўкуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги фаолиятимизга алоҳида мазмун-моҳият бахш этди. Зеро, Инсон ҳўкуқлари умумжаҳон декларацияси каби халқаро ҳўкуқий ҳужжат қабул қилинган сананинг юртимизда кенг нишонланаётгани Асосий Қонунимизнинг муқаддимасида белгиланган халқаро ҳўкуқнинг умумий эъланишига қўлайлиги устуворлиги таъминланаётганининг яна бир ифода-сидир. Фармон иқроси ҳараёнда белгиланган тадбирларни амалга ошириш, қолаверса, Декларация қондаларини қўйиш таҳлил қилиш асосида Конституцияимизнинг барча қондалари инсон ҳўкуқлари борасида умумий эъланиш таҳлил қилиш нормаларини ифода этганига яна бир қарра гувоҳ бўлимоқдамиз.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

тадбиркорларнинг ҳўкуқлари ва қонуний манфаатларини одил судлов йўли билан ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнаётган ҳўжалик судларининг ҳўкуқий мақоми Конституцияда мустақамланган. Асосий Қонунимизнинг 111-моддасига мувофиқ, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш ҳараёнда вужудга келадиган ҳўжалик нисозларини ҳал этиш Олий ҳўжалик суди ва ҳўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Шу асосда фаолият юритаётган ҳўжалик судлари амалиётда ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни мустақамлаш, одил судлов самардорлиги ва таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб, ҳўжалик юритувчи соҳасидаги қонунбузилишларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олишда ҳўжалик судлари томонидан қўлланилаётган таъсир чоралари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентини таъминдан тадбиркорлик субъектларининг ҳўкуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига тўсик бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш борасида қўйилган вазифалар, бошқача айтганда, соҳани тартибга соладиган қонунчиликни либераллаштиришга қаратилган ислохотлар туфайли қабул қилинган мевъёрлар ва уларнинг судлар томонидан қўлланилаётгани ижобий самара бераётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июнда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳўкуқий ҳимоя қилиш ти-

конунда белгиланган тартибда расмийлаштирилмаганиги ёки бошқа сабабларга кўра рад этилди ёки қўриб чиқилмади.

Кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишга доир 16806 ҳўжалик иши юзасидан 90,6 миллиард сум маблағни уларнинг фойдасига ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинди. Маҳаллий ҳокимият, давлат бошқарув ва назорат идораларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан чиқарилган қонунга эид 247 ҳўжаати ҳаққий эмас, деб топилди.

Иқтисодиётимизнинг муҳим бугини бўлган қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги иқтисодий муносабатлардан келиб чиқувчи нисозлар ҳўжалик судлари фаолиятининг алоҳида йўналишидир. Чўки эрчи ардоқлаётган, нафакат ўз оиласи, балки юртдошларининг манфаатини ўйлаб яшаётган, меҳнат қилаётган фермерлар ҳўкуқий ҳимоя қилиш алоҳида эътибор тўла қилади. Бу борада ҳўжалик судлари шу йилнинг ўтган даврида фермер ҳўжалиқлари фойдасига 10 миллиард сумга яқин қарз ва етказилган зарарларни ундириш ҳақида қарорлар қабул қилди. Ўз навбатида, ер муносабатларини тартибга солишчи қонун-

Ха, Бош қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган таъминдан юртимизда демократик ҳўкуқий давлат ва қўлай фуқаролик жамияти барпо этиш ҳараёнининг мустақам ҳўкуқий асоси, мамлакатимиз тараққиётининг ҳўкуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Халқимизнинг фаровон турмуши ва буюк келажагини қўзлаган бу таъминларнинг ҳаётимизда янада чуқурроқ асб этишига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Дилмурод МИРЗАКАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси.
(Ў.А.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

ҚЎЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ЯНГИ ДАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Кафедра мудири	муслиқий шарқшунослик (1).
Профессор	муслиқий таълим (1).
Доцент	анъанавий ижрочилик (2), махсус фортепиано (1), муслика тарихи ва танкид (1), оркестр дирижёрлиги (1), муслиқий таълим (1), камер муслиқаси (1), овоз режиссёрлиги (1), дамли чолғулар (2), эстрада ижрочилиги (1).
Катта ўқитувчи	махсус фортепиано (1), халқ чоғулар (1), анъанавий ижрочилик (3), оркестр дирижёрлиги (1), хор дирижёрлиги (1), камер муслиқаси (1), ижтимоий-сиёсий (1), муслика назарияси (1), муслиқий шарқшунослик (1), дамли чолғулар (1).
Ўқитувчи	эстрада ижрочилиги (2), умумий фортепиано (2), муслиқий шарқшунослик (1).

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Б. Зокиров кўчаси, 1-уй, ходимлар бўлими.
Телефонлар: 244-94-51, 244-95-09.

ООО «Росагропромснаб» предлаает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА

ультразвуковые «Гобой-1»

Цена - от 1 300 000 сум.

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Qмин, м³/час	Максим. расход, Qмакс, м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставяет фильтры различных диаметров.

Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90, 276-91-87
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, к-л Ц, д. 6 (о-р - перекресток «Шухрат») Товар сертифицирован

NEW HOLLAND

AGRICULTURE

Янги трактор

New Holland TL 5060

Куввати — 100 от кучига эга.



Кафолат — 1 йил. Барча вилотларда сервис хизмати кўрсатилади ва эҳтиёт қисмлари мавжуд.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Tel.: 120-60-97, 120-89-58.

Ёш оилаларга ёрдам

«Экспан» халқаро ташкилоти ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Хоразм вилоятига навбатдаги хайрия акциясини йўллади.

80 млн. сўмлик қийим-кўчак, пойабзал, санитария-гигиена маҳсулотлари ортланган саломатлик поезди Урганч темир йўл вокзалида қўйиб олинди.

Ушбу хайрия акцияси кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, шунингдек, ёш ва боқувчисини йўқотган оилаларга тарқатилди.

Ойбек РАХИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

SONATA

Ўз йўлингни танла!



КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Drive your way

Official Partner

Tel. 250-11-11

Официальный дистрибьютор

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

КАФЕЛЬ

(облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА

(унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04
Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127 zakamsk-group@mail.ru

Япония Ўзбекистонда ИЖТИМОЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ ФАОЛ АМАЛГА ОШИРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

учун ажратилган умумий қиймати 812,086 долларга тенг бўлган 12 та лойиҳа бўйича грант-шартномаларга имзо чекди. Бунинг натижасида мактаблар мебель, тиву машиналари, спорт буюмлари ва бошқа замонавий мактаб анжомлари билан жиқозланди», деди Ц. Хираока.

«Фаргона вилояти Кўкон шаҳридаги 2-ўрта мактабда таълим шартларини яхшилаш», «Андижон вилояти Андижон шаҳридаги 24-ўрта мактабда таълим шартларини яхшилаш», «Наманган вилоятининг Наманган туманидаги 27-ўрта мактабда таълим шартларини яхшилаш» лойиҳаларини амалга ошириш доирасида мазкур таълим даргоҳларига Япония томонидан умумий қиймати 220 минг доллардан эъид бўлган замонавий мактаб анжомлари тақдим этилди.

Япония элчисининг маълум қилишича, жорий йилнинг охирига қадар Кунчиқор юрт қўрамагининг кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида таълим соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун яна 10 дан эъид грант-шартномалар имзоланиши кутилмоқда.

Япониялик дипломат Ўзбекистоннинг турли вилоятларида жойлашган 13 та қабристонда Иккинчи жаҳон уруши оқибатида Ўзбекистонга келтирилган 812 нафар япон фуқароси дағи этилганини маълум қилиб, Ўзбекистон раҳбариятига мазкур қабрларни қайта тиклашга ва асраб-авайлашга қаратаётган эътибори учун миннатдорлик билдирди.

«Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстона муносабатлар келгусида ҳам ривожланишда давом этиб, кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасидаги ҳамкорлигимиз халқларимиз ўртасидаги дўстлик қўриғи бўлиб хизмат қилишига ишончим комил», деди Ц. Хираока.

«Жаҳон» АА.

ХОРИЖЛИКЛАР ҲАМ

ТАН БЕРИШДИ



Кўна Бухорога сафар қилаётган кўлаб хорижий сайёҳларнинг хусусан, халқ амалий санъати ихлосмандларининг яна эллик чақирим йўл босиб "Ғиждувон миллий кулчилик мактаби" музей-устахонасига боришлари одат тусига кириб қолди. Ушбу кўркам маскан соҳиблари бўлган ака-ука хунарманд Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар учун бу ҳол янгилик эмас.

Сулоланинг олтинчи авлоди саналган ака-укалар кулчилик сирларини оталари Ибодулла Нарзуллаевдан ўрганишган. Куллар олтмишдан зиёд анъанавий усуллар асосида фақат табиий бўғларни қўллаган ҳолда сопол буюмлар тайёрлашди. Гуллар, турли ўсимликлар ўз аксини топган бу буюмлар жилоси, нақшинкорлиги билан эътиборни тортади.

— Мустақиллик тўғрисида Ғиждувон кулчилик мактабини қайта тиклаш имкониятига эга бўлинди, — дейди "Дўстлик" ордени соҳиби Алишер Нарзуллаев. — Япония, Австралия, АКШ каби давлатларнинг хунарманд кулчалари билан ҳамкор-

ликдаги лойиҳаларни амалга оширдик. Дунёнинг кўлаб музейларида "Ўзбекистон. Нарзуллаевлар сулоласи" ёзуви остида турган маҳсулотларимиз борлигини аниқлади.

— Ғиждувон кулчилигининг тарихи минг йилларга бориб тақалади, — дейди Абдулла Нарзуллаев. — Биз ота-боболаримиздан мерос шу хунарни кўз қорачиқидек асраб-авайлаб, бойитиш йўлларини излаётимиз. Музей-устахонамиздаги осори-атиқалар Шарқ хунармандчилиги ихлосманди бўлган чет эллик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотиб келаяпти.

Дарвоқе, Абдулла яқинда Франциядаги Темурийлар дав-

ри тарихи ва маданиятини ўрганиш ассоциациясининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган маданий тадбирларда иштирок этиб қайтди.

Эътироф

— Францияда миллий хунармандчилигимизга қизиқиш бениҳоя катта, — дейди у сафар таассуротлари ҳақида тўхталиб. — Тадбир доирасида ўтказилган кўргазмада мени йигирмага яқин сопол буюмлар, ўндан зиёд сўзаналар билан иштирок этдим. Қизиги шундаки, музей-устахонамизда бўлиб, фаолиятимизга қизиққан кўлаб француз санъат ихлосмандлари би-

лан яна юзма-юз келдик. Улар ушбу тадбирга Ўзбекистон делегацияси қатнашганини эшитиб, кўргазмамизни кўргани атайин келишибди. Франциялик мухлислар халқимизнинг меҳмондўстлиги, ўзбекона одатлар ҳақида мароқ билан сўзлашганида шундай юрт фарзанди эканлигимдан фахрланиб кетдим. Улардан бири бизда тонг сахарда келинларнинг дарвоза олдини супуриб-сидириб қўйиши одати борлигини айтганда сўхбатдошларнинг кўзларидан хайрат ва ҳавас чакнаганини кўрдим. Улар шундай қиз-жувонлар кўлида жило топган муъжизалар яратиб қолди...

Айни пайтда Ғиждувондаги музей-устахонада ака-ука Алишер ва Абдуллалар ёшларга кулчилик сирларини кунт билан ўргатишяпти. Оддий лойдан муъжиза юз бергани каби сопол лаганлар, бежирим гулдонлар, нақшинкор косалар яратилапти. Каштачилик ҳам равнақ топяпти. Бу юмушга етмиш нафардан зиёд хотин-қиз асосан касаначилик усулида жалб этилган. Қадимий хунарларга меҳр қўйиб, шу орқали юртни дунёга танитаётган Нарзуллаевлар сулоласи мактаби ҳали кўлаб муъжизалар яратиб қолди.

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Менинг Конституциям

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Қирғиз тумани ҳокимлиги ташаббуси билан "Қомусимиз - истиқлолимиз таянчи" деб номланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧИ

Конституциямизнинг 16 йиллиги олдидан ташкиллаштирилган мазкур анжуманда маҳаллалар фаоллари, халқ таълими соҳаси ходимлари, корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар инсонпарварлик гуярига асосланган Бош қомусимизнинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти хусусида тўхталишди. Ийгиликда таъкидланганидек, эркин фуқаролик жамияти ва демократия тамойилларини ўзида акс эттирган Асосий қонунимиз эл-юрт хоҳиш-иродаси билан қабул қилинган бўлиб, у инсон кадри, шайни ва манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий кафолатидир.

— Конституциямиз овоз ва гуллаб-яшнаши ва халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга хизмат қилмоқда, — дейди тумандаги 14-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Султонмурод Эргашев. — Бош Қомусимизда мактаб ўқувчиларининг бепул таълим олиш ҳуқуқи кафолатланганлигининг ўзиёқ, мамлакатимизнинг доимий эътиборда эканлигининг яқоқ ифодасидир. Зеро, бугун истиқлолнинг бахтиёр фарзандлари энг замонавий шарт-шароитлар муҳайё этилган кўркам мактабларда, коллеж ва лицейларда таълим-тарбия олмақдалар.

Тадбирда тумандаги умумтаълим мактабларининг ўқувчилари иштирокда концерт дастури намойиш этилди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

қимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга хизмат қилмоқда, — дейди тумандаги 14-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Султонмурод Эргашев. — Бош Қомусимизда мактаб ўқувчиларининг бепул таълим олиш ҳуқуқи кафолатланганлигининг ўзиёқ, мамлакатимизнинг доимий эътиборда эканлигининг яқоқ ифодасидир. Зеро, бугун истиқлолнинг бахтиёр фарзандлари энг замонавий шарт-шароитлар муҳайё этилган кўркам мактабларда, коллеж ва лицейларда таълим-тарбия олмақдалар.

Тадбирда тумандаги умумтаълим мактабларининг ўқувчилари иштирокда концерт дастури намойиш этилди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.



Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Спорт

КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Ўтган дам олиш кунлари футбол бўйича мамлакат чемпионати олий лигасида сўнгги — 30-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, миллий чемпионатимизнинг жорий йилги мавсуми аввалгиларига қараганда қизиқarli ва муросасиз курашлар остида ўтди. Чемпионлик ва совринли ўринлар учун курашувчи жамоалар сони кўпайди. Натижада стадионларга ишқибозларнинг келиши ҳам сезиларли даражада ортди. Яқиний тур баҳсларида бир неча кутилмаган натижалар қайд этилди. Жумладан, чемпионлик масаласини мuddатидан олдин хал қўлиб қўйган "Бунёдкор" Наманганда "Навбахор" билан 1:1 дуранг натижага эришди. Кумуш медаль соҳиби "Пахтакор" эса Фарғонада "Нефтчи" жамоасига 0:1 ҳисобида имкониятни бой берди.

26-дақиқада Азиз Алижоновнинг ўн бир метрлик жарима тўлидан киритган голи ўйин тақдирини хал қилди.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди:

"Металлург" — "Андижон" 1:0, "Машал" — "Қизилқум" 3:1, "Шўртан" — ОТМК 0:0, "Локомотив" — "Бухоро" 4:1, "Динамо" — "Насоф" 3:0, "ЎзДонг-Жу" — "Сўғдиёна" 2:2.



Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
30	25	4	1	75-13	79
30	23	5	6	64-14	74
30	18	6	8	42-25	60
30	15	7	8	38-26	52
30	13	7	10	35-28	46
30	12	6	12	40-39	42
30	12	6	12	28-34	42
30	11	4	15	41-38	37
30	10	5	15	28-36	35
30	9	6	15	22-44	33
30	8	9	13	29-34	33
30	8	9	13	32-48	33
30	9	5	16	27-44	32
30	7	11	12	28-39	32
30	7	5	18	25-44	26
30	2	7	21	17-65	13

Футбол бўйича мамлакатимиз миллий чемпионати олий лигасининг бу йилги мавсумида Қаршининг "Насоф" жамоаси мухлислар ишончини оқламади. Илгари пешқадамлар сафида юрган жамоа 9-ўрин билан кифояланди. Бир неча марта бош мураббий алмаштирилгани ҳам кутилмаган натижани бермади. На Виктор Борисов, на Эдгар Гесс жамоани тўшқунликдан олиб чиқа олди. Мавсум охирида Усмон Тошев тажрибали мураббийлар эплэй олмаган ишни ўз зиммасига олди.

«НАСАФ» ШУҲРАТИ ТИКЛАНАДИ

Мамлакатимизнинг етакчи футбол жамоасида вужудга келган вазиет вилоят футбол федерациясини, клуб раҳбариятини ташвишга солмаслиги мумкин эмас эди. "Насоф" профессионал футбол клуби таъсисчиларининг навбатдан ташқари конференцияси кун тартибига жамоа бошқарув тизимини ўзгартириш, ҳар бир бўғинда ишга профессионал ёндашувни жорий этиш масаласи қўйилди. Бу ҳақда мутахассислар ва муассислар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Бошқарувнинг юқори органи сифатида клуб таъсисчиларининг кенгаши тузилди. Унинг таркибига вилоят футбол федерацияси вакили, ҳомийлар, мутахассислар, жамоанинг ишқибозлар клуби етакчиси, шунингдек, хизмат вазифасига кўра жамоа раҳбарлари киритилди. Бу ташкилий тизимда янгилик эди. Эндиликда

клуб раҳбариятининг яқка ҳокимлигига чек қўйилди. Президент, вице-президентлар таъсисчилар кенгашига ҳисоб беради. Клубнинг барча фаолиятига бош менежер жавобгар. Бош мураббий эса жамоани мусобақага тайёрлаш, асосий ва ўринбосарлар таркиби мураббийларининг ишини ташкил қилиш билан шуғулланади.

Аслида бу футбол оламида янгилик эмас. Дунёнинг етакчи футбол клубларида иш худди шундай ташкил этилади. Эътиборга молик томони шундаки, "Насоф" клубида чинакам профессионаллик сари амалий қадам қўйилди. Келгуси мавсумда бу ўзгаришлар ўз мевасини берса, ажаб эмас. Ҳар ҳолда вилоят футбол жамоатчилиги шундай бўлишига умид боғламоқда.

Бўри НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Билимдонлар баҳси

Наманган вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан "Конституция — буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати" мавзусида ўтказилган кўрик-танлов Асосий Қонун қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланди.

Тадбирда вилоят адлия бошқармаси, суд ижрочилари департаменти, нотариал идоралар ҳамда ФХД бўлимлари мутахассислари куч синашдилар. Асосий эътибор Бош Қомусимизнинг ўзига ҳо ҳусусиятлари, унинг тарғиботи ва ҳаётга изчил татбиқ этиш масалаларига қаратилди. Фолиблики адлия бошқармасининг "Истиқлол" гуруҳи қўлга киритди.

Ғолиб гуруҳ кўрик-танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамкорлик маркази

Самарқанддаги вилоят ўқувчи-ёшлар техник жодидёт марказида "Оила-маҳалла-мактаб" ҳамкорлик маркази ташкил этилди.

Марказнинг очилиш маросимида мамлакатимизда ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан бирга уларнинг соғлом ва баркамол вояга етишлари борасида амалга оширилаётган ишлар таъкидлаб ўтилди.

Шу кунги ўқувчи-ёшлар ўрта-юқори синфларида "Хонада учувчи самолёт моделлари" республика биринчилиги ҳам бўлиб ўтди. Ғолиблики самарқандлик ёшлар марказидан эълон қилинди.

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Осиё чемпионати якунланди

Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича IV Осиё чемпионати якунланди.

Унда Вьетнам, Гонконг, Хиндистон, Йордания, Эрон, Ироқ, Қозоғистон, Қатар, ЮДР, Кувайт, Малайзия, Саудия Арабистони, Сингапур, Сурия, Таиланд, Тайван, Ўзбекистон, Шри-Ланка, Жанубий Корея ва Япониядан келган 120 нафар спортчи медаллар учун кураш олиб борди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, чемпионатда терма жамоамиз асосан иккинчи таркиб билан иштирок этди. Пекин Олимпиадасида совринли ўринларни

эгаллаган юртдошларимизга бу сафар дам берилди. Лекин шунга қарамай, қизларимиз анча муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, Луиза Габулиева кўпкураш баҳсларида 50,95 балл жамғариб, кучли ўнликдан жой олди.

Эрақлар ўртасидаги кўпкураш беллашувларида вакилимиз Руслан Эргашев 83,15 балл тўлаб, халқаро тоифадаги спорт устаси талабини баҳардди.

Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида

Германиянинг Дрезден шаҳрида давом этаётган 38-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида бугун сўнгги — 11-тур ўйинлари ўтказилади.

Кеча бўлиб ўтган 10-тур баҳсларида Ўзбекистон эрақлар терма жамоаси Австрия шахматчиларига қарши донна суриб, 2:2 дуранг натижага эришди.

Жўрабек Ҳамроқов — Стефан Киндерманни мағлубиятга уратган бўлса, Рустам Қосимжонов — Маркус Раггер, Алексей Барсов — Валерий Атлас партиялари дуранг натижа билан якунланди. Шўхрат Сафин эса Зигфред Бомингерга имкониятни бой берди. Ҳамюртларимиз ўинини турдан сўнг умумжамоа ҳисобида 140 га яқин мамлакат шахматчилари орасида 12 очко билан 32-ўринда боришмоқда.

Аёллар терма жамоамиз 10-турда АКШ шахматчиларига 0,5:3,5 ҳисобида ютқазиб қўйилди. Ҳозирча вакилларимиз умумжамоа ҳисобида 13 очко тўлаб, 21-ўринни эгаллаб туришибди.

11-турда эрақлар терма жамоамиз Монтенегро, аёллар терма жамоамиз эса Венгрия мамлакати шахматчилари билан учрашишди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Kichik biznes — yuksak g'urur!

«TADBIRKOR» TARIF REJASI

Barcha kirish qo'ng'iroqlari	\$0
Chiqish qo'ng'iroqlari (Bir daqiqqa narxi)	
Guruh ichidagi	\$0
Tarmoq ichidagi	\$0.02
O'zbekiston bo'yicha	\$0.02
SMS (chiqish SMS narxi)	
Tarmoq ichida	\$0.01
O'zbekiston bo'yicha	\$0.02
Oylik abonenti to'lovi	\$4

Agar siz yuridik shaxs (korxonaga yoki kompaniyaga ishchisi, rahbari), shuningdek, xususiy tadbirkor yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga binoan ro'yxatdan o'tgan shaxsiy kompaniyaga egasi bo'lsangiz, bizning korporativ mijozimiz bo'lishingiz mumkin.

cell

YANADA KO'PROG'INI KUTING

Спорт • Sport • Спорт

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Топкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

Топширилди — 23.10